

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ  
ТУШУМЛАРИ ДИНАМИКАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

*Ахмедов Бариддин Ҳайдорович*

*ДТПИ ўқитувчиси*

**Аннотация.** Бугунги кунда бир неча мамлакатлар каби давлатлар сингари, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджетини шакллантиришдаги қўшилган қиймат солиғининг салмоғи бошқа солиқлага нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради. Қўшилган қиймат солиғи солиқ тизимининг ажралмас асосий қисми сифатида юқори фискал аҳамиятга эга. Қўшилган қиймат солиғи аниқ фактлар асосида ҳисобланиб, ўз вақтида қўшилган қиймат солиғини тўлаш солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатларини камайишига олиб келади. Шунингдек бу борада бир қатор муамммммолар ҳам кузатилиб, **мақолада ушбу муаммоларни баргараф этиш йўллариغا эътибор қаратилади.**

**Калит сўзлар:** давлат бюжжети, ҚҚС, солиқ назорати, солиқ тизими, солиқ ислоҳоти, солиқ сиёсати, солиққа тортиш, солиқ маъмурчилиги, солиқ тўловчи, солиқ имтиёзи.

**Аннотация.** Сегодня, как и ряд других стран, Узбекистане отличается тем, что вес налога на добавленную стоимость в формировании государственного бюджета высок по сравнению с другими налогами. Налог на добавленную стоимость имеет большое фискальное значение как неотъемлемая часть налоговой системы. Налог на добавленную стоимость рассчитывается на основе точных фактов, а своевременная уплата налога на добавленную стоимость приводит к уменьшению случаев нарушений налогового законодательства. Также в связи с этим наблюдается ряд проблем, и в статье основное внимание уделяется путям устранения этих проблем.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, НДС, налоговый контроль, налоговая система, налоговая реформа, налоговая политика, налогообложение, налоговое администрирование, налогоплательщик, налоговые льготы.

**Abstract.** Today, like a number of other countries, Uzbekistan is distinguished by the fact that the weight of value added tax in the formation of the state budget is high compared to other taxes. Value added tax has great fiscal significance as an integral part of the tax system. Value Added Tax is calculated based on accurate facts, and timely payment of Value Added Tax reduces the incidence of tax violations. There

are also a number of problems in this regard, and the article focuses on ways to eliminate these problems.

**Key words:** state budget, VAT, tax control, tax system, tax reform, tax policy, taxation, tax administration, taxpayer, tax benefits.

### Кириш (Introduction)

Қўшилган қиймат солиғи ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи, ҳамда реализация жараёнида ундириладиган эгри солиқ таркибига киради. Қўшилган қиймат солиғи сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлабчиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи салкам 30 фоизни, эгри солиқлар таркибида эса 60 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради.

Ўзбекистоннинг фискал сиёсати фискал барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, асосий мақсадларидан бири консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 3 фоиздан оширмасликдир. Бу, ўз навбатида, фискал барқарорликни сақлаб қолиш ва давлат қарзи юқини камайтиришга замин яратади. Шу билан бирга, солиққа тортиш, божхона ва бюджет сиёсатини ЖСТ талаблари билан уйғунлаштириш муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодиётга интеграциялашувига ёрдам беради.

Бундан ташқари, солиқ ма'мурчилигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ва бюджет харажатларининг натижадорлигини оширишга катта э'тибор қаратилмоқда. Мамлакат "натижага ё'налтирилган бюджетлаштириш" тизимига босқичма-босқич ўтишни режалаштирмоқда, бу ўз навбатида, давлат маблағ'ларидан аниқ ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга эришиш учун янада мақсадли фойдаланишни таъминлайди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Солиқлар назариясининг хорижий вакиллари орасида бир қатор тадқиқотчилар мавжуд, улар орасида: Ч. Адамс, Д. Локк, У. Пети, А. Смит, Д. Рикардо, Ж. Кейнс, Ж. Б. Сай, Н. Канар, П. Пру-дон, Ф. Лассалус, К. Пай, А. Шеффле, А. Вагнер, А. Курно, Р. Маер, К. Виксел, М. Панталеоне, Ф. Контиглиани, Э. Селигман, А. Маршалл, П. Самуелсон, Р. Мусgrave, К. Макконнелл, С. Бру ва солиққа тортиш назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган ҳозирги замон хорижий иқтисодчи олимларидан Де-Фовилль, Ф. Лассал, Брю, М. Блауг, П. Самуэльсон, К. Макконнел, Г. Менкью ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган.

Солиқ назарияси, солиқларни ўрганиш тарихи, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича замонавий россиялик иқтисодчилардан Н.Н. Тюпаков, Ю.Н.Павленко, М.Р. Пинская, Д.А. Артеменко, М.О.Клейменова, Е.Н Голик, Г.П Толстопятенко, А.В. Угрюмов, А.Ф. Хапилин, И.А.Цидилин ва бошқалар эгри солиқ ундиришнинг назарий жиҳатларини ўрганишга бағишланган.

Мамлакатимиз миллий олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан А.Х.Тошқулов, С.К.Худойкулов, Т. Маликов, Ш. Гатаулин, И. Завалишина, И. Ниязметов, Х. Собиров, Ш. Тошматов, Б. Тошмуродова, Н. Хайдаров, Қ. Аҳёевларни илмий ишларини ҳам мисол келтириш мумкин.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Қўшилган қиймат солиғи ундиришга оид тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий тадқиқот методологиясида қўлланиладиган усуллардан фойдаланилади. Қўшилган қиймат солиғи ислохотларининг ривожланиш дедукцион ёки индукцион усуллардан фойдаланиш юқори самара беради. Шунингдек абстракт-мантикий фикрлаш усули жараёни тизимли таҳлил қилиш учун муҳим ҳисобланад. Илмий таҳлил жараёнида ана шу илмий тадқиқот усулларидан, акзарият ҳолларда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш усулларидан, шу билан бирга таҳлил қилишда синтез ва таҳлил усулларидан ҳам кенг фойдаланилади.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Давлат бюджетини шакллантиришда қўшилган қиймат солиғи солиқ тушумлари бўйича юқори улушга эгадир. и билвосита солиқлар ҳисобидан тўлдирилади. Тўғри солиққа тортилмаган, қайд этилмаган даромадлар эгри солиқларга тортилади. Шундай қилиб, эгри солиқлар шу кунгача бюджет даромадларининг энг юқори қисмини ташкил этадиган солиқ тури ҳисоблади.



Солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун бир қатор сиёсатчилар бир қатор мақсадлар белгилашни эътироф қилдилар. Буларнинг ичида энг муҳимлари: нисбатан соддалик (simplicity), барқарорлик (stability), адолатлилиқ (fairness fairness), даромадларни мувозанатли тақсимлаш (adequate revenue) ва иқтисодий самарадорлик (economic efficiency), фискал самарадорлик (fiscal efficiency) каби тамоийиллар асосидаги пировард мақсадлар илгари сурилишини эътироф этадилар (C. Alan Garner)<sup>1</sup>. Соддалиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказишдаги харажатларни камайтириш орқали давлат молиявий фаолиятида иқтисодий самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, солиқ тизимининг соддалилиги солиқ тўловчиларнинг солиқлар тўғрисидаги билимларини, солиқ маданиятини оширишга имкониятларига эга бўлади. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида солиқларни тўлаш солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатларини камайишига замин яратади. Эгри солиқларнинг ундилишининг асосий мақсади ва функцияси фискал функция ҳисобланади. Фискал самарадорлик солиқ юкининг бюджетга эгри солиқлар тушумларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Республикада иқтисодий ўсишни изчил давом эттирилиши, фискал сиёсатнинг юритилиши орқали барқарорликни таъминланиши ҳисобига эришилмоқда. 2024-2026 йилларга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози “Ўзбекистон – 2030” 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард АҚШ долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш, келгуси 7 йилда асосий капиталга 250 млрд АҚШ доллардан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш ва унда 110 млрд АҚШ доллардан ортиқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 2030 йилга бориб йиллик экспорт ҳажмини эса 45 млрд АҚШ долларга етказиш, Давлат қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиздан оширмаслик вазифасини таъминлаш мақсад қилинган. Прогнозларга кўра 2023-2024 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти 5,6-5,8 фоиз доирасида, 2025-2026 йилларда мос равишда 6,2 ва 6,4 фоизгача ўсиши кўзга тутилган.<sup>2</sup>

Қуйидаги 1-жадвалда иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб 2025-2026 йилларда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва мўлжаллари келтирилган.

<sup>1</sup> C. Alan Garner Consumption Taxes: Macroeconomic Effects and Policy Issues

<sup>2</sup> [https://api.mf.uz/media/document\\_files/budjetnoma\\_2024-2026\\_u7oVHcU.pdf](https://api.mf.uz/media/document_files/budjetnoma_2024-2026_u7oVHcU.pdf)


**Солиқ турлари бўйича Давлат бюджети даромадлари прогнози ва  
мўлжаллари, трлн сўм<sup>3</sup>**

<i>Солиқ турлари</i>	<b>2023 йил</b>	<b>2024 йил прогноз</b>	<b>2025 йил мўлжал</b>	<b>2026 йил мўлжал</b>
Бевосита солиқлар	73,3	85,6	102,8	120,4
Билвосита солиқлар	85,9	111,6	144,0	163,4
Ресурс солиқлари	28,3	31,8	35,7	39,9
Бошқа даромадлар	41,6	41,6	48,5	55,3

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари 2023 йил 85,9 трлн сўмни, 2024 йил прогнози 111,6 трлн сўмни ташкил қилиб, 2025 йилда 144,0 трлн сўмдан 2026 йилда 163,4 трлн сўмга ошиши мўлжалланган бўлиб энг юқори қисми билвосита солиқларга тўғри келади. Фикримизча бундай ўсишларнинг прогноз қилинишига қўшилган қиймат солиғи занжирининг яхлитлигини ва узулуксизлигини таъминлаш мақсадида айрим имтиёзларнинг, масалан, дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария хизматлари буюмлари ва хизматлари учун имтиёзларини бекор қилиниши, шунингдек айрим озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларининг, янги қурилиш техникалари ҳамда юк ташиш транспорт воситалари, туризм хизматларидаги божхона тўловлари имтиёзларнинг муддати тугаётганлиги, шунингдек солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигига оид бир қатор ўзгартиришлар сабаб бўлмоқда.

Қуйидаги диаграмма ёрдамида 2023-2024 йилларда ҚҚС тушумларини таҳлил қилишимиз мумкин. 1-расм.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси молия ва иқтисодиёт вазирлиги Бюджетнома 2024-2026 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



**1-расм. 2023-2024 йилларда қўшилган қиймат солиғи тушумлари. трлн сўм**

1-расмда кўриниб турибдики 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобга (зачётга) олинган ҳамда тегишли тартибда бюджетдан қайтариб (қоплаб) бериладиган ҚҚС суммаси 21,6 трл. сўм бўлиб, 2024 йилда 29,6 трл. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатаг 8 трл. сўмга кўпайган. Шундан 6,2 трлн сўм қисми божхонадаги ҚҚС тўловлари билан ҳисоб-китоб қилиш орқали қайтарилиши кутилмоқда.

Фикримизча қўшилган қиймат солиғи тушумларининг ўсишига қуйидаги омиллар таъсир қилганлиги таҳлил қилинди:

Биринчидан, солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, 2024-йил 1-июл ҳолатига ҚҚС тўловчилар сони 222,7 мингта субъектни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,8 мингтага ошган. Шунингдек 2024-йилда бекор қилинган имтиёзлар (мисол учун, дори воситалари, тиббий хизматлар) ҳисобига қўшимча 2,1 трлн сўм ундирилиши кутилмоқда.


**1-жадвал. Давлат бюджети даромадлари прогнози ва мўлжаллари, трлн сўм<sup>4</sup>**

Солиқ турлари	2025-йил прогноз	2026- йил мўлжал	2027- йил мўлжал
Давлат бюджети даромадлари, жами	308,5	353,8	406,1
Бевосита солиқлар	100,3	115,3	136,2

<sup>4</sup> BUDJETNOMA 2024-2026 da “Yashil” iqtisodiyotga o‘tishga qaratilgan islohotlar.  
<https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fcb792b73d0ff391fd12528e42f3ad87>

Билвосита солиқлар	104,7	120,9	136,2
Ресурс солиқлари	38,7	44,4	50,4
Бошқа даромадлар	64,9	73,2	83,3

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2026-йил учун Давлат бюджети даромадлари мўлжаллари **353,8 трлн сўм**, 2027-йилда **406,1 трлн сўм** миқдорда белгиланган.



## 2-расм. 2023-2024 йилларда билвосита солиқлар тушумлари.

ҚҚС бўйича тушумлар, ўтган йилги тушумларга нисбатан 2,8 трлн сўмга ўсиб, 60,7 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Хусусан, Солиқ қўмитаси томонидан 40,4 трлн сўм (2023-йилга нисбатан +19 фоиз), Божхона қўмитаси томонидан 49,9 трлн сўм (+ 9,5 фоиз) ундирилади ва тўловчиларга 29,6 трлн сўм (+ 36,8 фоиз) қайтариб берилиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

2024-йилдан бошлаб бюджетни консолидациялаш учун барча чоралар кўрилаётган бўлиб, жорий йилда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 4 фоиз миқдорда сақлаб туриш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун ҳукумат ўрта муддатда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ЯИМнинг 3 фоизлик таргет кўрсаткичидан оширмаслик мажбуриятини сақлаб қолади. Бунда, солиқ тўловлари ва ма'мурчилигини янада яхшилаш орқали даромадларни ошириш, харажатлар ошишининг олдини олиш ҳамда уларнинг



самарадорлиги ва натижадорлигини кучайтириш чоралари давом эттирилиши назарда тутилган<sup>5</sup>.

2-жадвал

Республика бўйича 2018-2024 йилларда билвосита солиқ турлари бўйича тўловчилар сони (нафар)<sup>6</sup>.

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони	39043	88149	119329	148130	14990	169039	188088
шу жумладан							
ҚҚС тўловчилари сони	38745	84479	115572	143701	145410	164449	183488
Акциз солиғи тўловчилари сони	298	3670	3757	4429	4580	4590	4600

2-жадвал таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони 2018 йилга нисбатан 2024 йилда солиқ тўловчилар сони қарийб 4,5 баравар ошган. Билвосита солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини ташкил этиб, 2018 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сони кескин ошган. Бундай ўзгаришга сабаб 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>7</sup>ги ПФ-5116 сонли фармони биноан солиқ маъмурчилиги

<sup>5</sup> <https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fcb792b73d0ff391fd12528e42f3ad87>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>7</sup> <https://lex.uz/docs/3271159>



тизимида энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланганлигидир.

### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда ҚҚС сингари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, юқори физкал самара беради. Қўшилган қиймат солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришдага энг ишончли солиқ тури. Шу боисдан электрон ҳисобварақ-фактура тизимини амалда кенг қўллаш ва қўшилган қиймат солиғи базасини кегайтириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини замонавий, яъни рақамли солиққа тортиш қодаларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мавжуд муаммоларни ўрганиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун электрон ҳисобварақ-фактуралардан кенг фойдалангаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек солиқ тўловчилар ва солиқ органлари билан алоқаларини яхшилаш мақсадида электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш, ҳамда солиқ ҳисоботини автоматик равишда тузиш имкониятини такомиллаштиришга ва тадбиркорлик қулай шарт-шароитларни яратиш лозим. Шунингдек солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, солиқ тўлаш бўйича онлайн тушунтиришлар олиб бориш орқали янгиликлар билан танишиштириш кенгроқ йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун янги ахборот технологияларини фойдаланиш ва амалда қўллаш зарур. Бунинг натижасижа қўшилган қиймат солиғи тушумлариши кўпайтириш, давлат бюджетини ошириш, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг ортикча вақт маблағ сарф харажатларини минималлаштириш ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

Давлат бюджети даромадларини ошириш учун ўрта муддатда солиқ сиёсати ислохотларини, шу жумладан, яширин иқтисодиётга қарши курашиш ҳисобига солиқ тўловчилар қамровини ошириш ва қўшимча даромадлар манбасини яратиш, солиқ-божхона имтиёзларини кўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий самара бераётган имтиёзларни бекор қилиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан

- тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сон Қонуни.
  4. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109
  5. Карпова О. М. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации российской экономики текст научной статьи по специальности «экономика и бизнес» ЖУРНАЛ [Вестник Томского государственного университета. Экономика](#)2019
  6. Что такое цифровизация? URL: <https://www.e-xecutive.ru/management/itforbusiness/1989667-что-такое-tsifrovizatsiya?scrolltop=1832> (дата обращения: 25.01.2019)
  7. <https://www.interfax.ru/world/813644>
  8. [https://api.mf.uz/media/document\\_files/budjetnoma\\_2024-2026](https://api.mf.uz/media/document_files/budjetnoma_2024-2026)
  9. <https://daryo.uz/k/2024/05/30/uzbekistonliklar-2023-yilda-davlat-byudjetiga-qancha-soliq-tolagani-malum-boldi> [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
  10. Что такое цифровизация? URL: <https://www.e-xecutive.ru/management/itforbusiness/1989667-что-такое-tsifrovizatsiya?scrolltop=1832> (дата обращения: 25.01.2019).
  11. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
  12. <https://review.uz/oz/post>
  13. <https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fcb792b73d0ff391fd12528e42f3ad87>